

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ХАРАЖАТЛАР БЎЙИЧА
САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ: МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ҚОБИҚ ТАҲЛИЛИ УСУЛИ**

Ханнаев Ш.Қ.

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

Аннотация: Мамлакатимиз банк тизими турли мулкчилик шаклига эга банклардан таркиб топган. Ушбу мақолада турли мулкчилик шаклига эга банклар самарадорлиги эконометрик баҳоланди ҳамда улар орасидаги фарқлар тадқиқ этилди. Банкларнинг харажатлар бўйича самарадорлиги маълумотларни қобиқ таҳлили моделида баҳоланди.

Калит сўзлар: харажатлар бўйича самарадорлик коэффициенти, мулкчилик шакли, маълумотларни қобиқ таҳлили, минималлаштириш.

1. Кириш.

Банк самарадорлиги регуляторлар, банк мижозлари, банк акциядорлари ва менежерлари учун муҳим аҳамият касб этади. Регуляторлар самарасиз банкларни ўз вақтида аниқлаб тегишли чора-тадбирлар кўришади. Чунки, самарасиз банклар юқори рискли бўлиб, бу катта йўқотишларга олиб келади. Шунингдек, самарасиз банкларнинг банкрот бўлиш эҳтимолли ҳам юқори бўлади. Бундан ташқари, банклар самарадорлиги иқтисодиётнинг маҳсулдорлиги билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлади. Юқори самарадорликка эга банклар ресурсларни арзон жалб қилиб, иқтисодиётга ҳам арзонроқ нархда таклиф қила олади. Бу ўз-ўзидан банкнинг мижозлари учун ҳам айна муддаодир. Самарали банклар ўзларининг акциядорлари учун юқори қайтим олишни таъминлайди. Менежерлар эса юқори самарадорликка эга банк билан рақобат муҳитида ўз бозор улушини сақлаб қола олади. Самарадорлик тушунчасининг муҳимлиги шундаки, молиявий тизимнинг самарали ташкил этилиши микро ва макро даражада молиявий ресурслар оптимал тақсимланганини англатади. Молиявий ресурслар тақсимотининг оптимал нуқтада бўлиши максимал маҳсулдорликка эга тармоқларга молиявий ресурсларни энг самарали тарзда йўналтирилишини таъминлайди ҳамда иқтисодиётда маблағлар самарасиз тақсимланиб исроф бўлишини олдини олади. Молиявий капиталнинг самарали бошқарилиши ўз навбатида инсон капитали ва моддий капиталнинг ҳам иқтисодиёт тармоқларида самарали тақсимланишига олиб келади.

Самарали ресурслар тақсимотига эришишда тижорат банкларининг роли беқиёсдир. Самарали фаолият юритаётган тижорат банклари амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларнинг натижадорлигини қўллаб қувватлайди. Бу ўз навбатида иқтисодий ўсишга ва умумий фаравонликка олиб келади. Шунинг учун ҳам ҳукуматлар турли сиёсий ва иқтисодий инструментлардан фойдаланган ҳолда тижорат банклари самарадорлигини оширишга ҳаракат қилади.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 22 ноябрда банк тизими масалаларига бағишланган видеоселекторда тижорат банклари устав капитали асосан давлат улуши ҳисобига оширилиб, хусусий сектор маблағлари деярли йўналтирилмагани жиддий танқид қилинди¹. Шу пайтгача банк тизимини соғломлаштириш учун ҳукумат асосан иқтисодиётга давлат аралашувини ёқлайдиган Кейнсча «тиббиёт»дан фойдаланиб келишган. Аммо бундай соғломлаштириш амалиётларининг меъёрдан ортиб кетиши айрим тижорат банкларининг яшаб кетиши учун ушбу «тиббиёт»дан келадиган «доза»ларга қарам қилиб қўймоқда. Ҳозирги пайтда банк секторида давлат улуши 86% гача ошди, натижада хусусий секторнинг молиявий капиталнинг тақсимланишидаги улуши сезиларли даражада камайди². Сўнгги йилларда банк тизимида амалга ошириладиган ислохотларнинг асосий мақсадларидан бири

¹ <https://president.uz/uz/lists/view/2153>

² <https://www.gazeta.uz/ru/2018/11/24/banks/>

тижорат банклари самарадорлигини ошириш бўлиб, бунга эришиш учун ҳукумат банк бозорида давлат аралашуви ва улушини камайтиришга асосий эътибор қаратмоқда³.

Мамлакатимиз банклари мулкчилик шаклига кўра самарадорлигидаги ўзгаришлар охириги 20 йилни қамраб олган ҳолда илмий ўрганилмаган. Ушбу бўшлиқни тўлдириш мақоланинг фанга қўшадиган камтарона ҳиссаси ҳисобланади.

Мақоланинг асосий мақсади қуйидаги миқдорий саволларга объектив жавоб топиш ҳисобланади:

- мулкчилик шаклига кўра банклар самарадорлигида фарқлар мавжудми?
- давлат улуши юқори бўлган тижорат банклари қанчалик самарасиз?
- фаолият юритаётган банкларнинг қайси бири энг самарасиз?

Мулкчилик шаклига кўра тижорат банклари самарадорлигини таҳлил қилиш учун тижорат банклари 4 турдаги мулкчилик шаклига ажратилди. Давлат улуши 100% бўлган тижорат банклари устав капиталида давлат бевосита иштирок этади. Бундай мулкчилик шаклига эга банклар мамлакатимизда 3 та бўлиб, улар ТИФ Миллий банк, Халқ банки ва Асака банкдир. Давлат тижорат банклари устав капиталида билвосита иштирок этган ҳамда хусусий акциядорлар улуши оз миқдорда бўлса ҳам мавжуд бўлган тижорат банкларини акциядорлик тижорат банклари сифатида турга ажратдик. Ушбу мулкчилик шаклига эга банкларга мисол тариқасида АТБ Агробанк, АТБ Ипотекабанк, АТБ Саноатқурилишбанк ва бошқа шундай мулкчилик шаклига эга банкларни келтириш мумкин. Қолган банклар хусусий ва хорижий мулкчилик шаклларига ажратилди.

Банклар фаолияти самарадорлиги икки йирик гуруҳга, яъни даромадлар ва харажатлар бўйича самарадорликка бўлинади. Мақолада банкларнинг мулкчилик шаклига кўра харажатлар бўйича самарадорлиги ўзгармас ва ўзгарувчан кўлам қайтими асосида эконометрик баҳоланди. Харажатлар бўйича самарали банк бошқа банкларга қараганда омилларга кам харажат қилиб кўп миқдорда «маҳсулот» ишлаб чиқара олади. Таҳлил натижаларига кўра умумий ҳолатда банкларининг самарадорлиги вақт ўтиши билан жуда секинлик билан бўлсада ошиб бормоқда. Шунингдек, хорижий банкларнинг самарадорлиги бошқа банклар самарадорлигига қараганда тезроқ ошган.

2. Адабиётлар шарҳи.

2.1. Назарий адабиётлар шарҳи

Нопараметрик йўналишда самарадорликни ўлчаш Farrell (1957) томонидан биринчи марта фанга киритилган. Аммо унинг эмпирик иши бир дона маҳсулот ишлаб чиқариш билан чекланган бўлиб, кўп турдаги товар ва хизматлар ишлаб чиқарувчи корхоналар самарадорлиги баҳолаш учун мос эмас эди. Шунингдек, унинг ушбу математик дастурлаш фикри Charnes, Cooper, & Rhodes (1978) илмий ишигача эътибордан четда қолди.

Charnes et al. (1978) ўз илмий ишида бир неча ишлаб чиқариш омилларидан бир неча товар ва хизматлар ишлаб чиқарадиган қарор қабул қилувчи бўлинмалар (ҚҚҚБ) деб номланувчи гомоген тузилмалар тўплами фаолиятини баҳолайдиган математик дастурлаш алгоритминини ишлаб чиқишади. Ушбу алгоритм маълумотларни қобиқ таҳлили (data envelopment analysis–DEA) деб номланади ва баъзан самарадорликни баҳолашнинг нопараметрик усули ҳам деб юритилади.

Метод алгоритмига кўра биринчи навбатда эмпирик ишлаб чиқариш чегараси қурилиб чегарадан узоқлашган корхоналар самарасиз фаолият юритаётган ҳисобланади. Корхона қанчалик координаталар ўқи асосига яқинлашса у шунчалик самарасиз фаолият юритаётган бўлади. Charnes et al. (1978) томонидан фанга киритилган маълумотларни қобиқ таҳлили (МҚТ) методологияси бўйича кўплаб эмпирик ишлар амалга оширилган. Ушбу илмий ишларнинг кўлами маълумотларни қобиқ таҳлили (МҚТ) методини қанчалик кучли эканлигини ҳамда иқтисодчи олимлар томонидан кенг эътироф этилганини ифодалайди.

Charnes, Cooper, Rhodes (1978) томонидан ишлаб чиқилган базавий маълумотларни қобиқ таҳлили (МҚТ) модели илмий адабиётларда қисқача қилиб CCR деб юритилади. Ушбу модел қарор қабул қилувчи бўлинмаларнинг (ҚҚҚБ) умумий технологик самарадорлигини ўлчайди. Ушбу олимлар ҳар бир ҚҚҚБ учун самарадорлик кўрсаткичини вазнланган ишлаб чиқарилган маҳсулотни вазнланган ишлаб чиқариш

³ <https://www.gazeta.uz/ru/2018/11/26/bank/>

омилларига нисбати сифатида ифодалаб, максимум нисбатга эга корхона самарадорлик кўрсаткичини барча ҚҚҚБлар самарадорлик кўрсаткичига бўлиш орқали самарадорлик кўрсаткичи ҳисоблашган. Бунда ҚҚҚБларнинг самарадорлик кўрсаткичлари ноль ва бир рақамлари интервалада бўлади. ҚҚҚБнинг самарадорлик кўрсаткичи нольга яқинлашса у самарасиз фаолият кўрсатаётган бўлади. Аксинча, бирга яқин бўлса юқори даражадаги самарадорликка эга ҳисобланади. Ушбу моделнинг асосий фарази ҚҚҚБлар ўзгармас кўлам қайтими асосида фаолият юритади.

2.2. Банкларнинг самарадорлиги бўйича хорижий илмий ишлар шарҳи

Тижорат банкларининг мулкчилик шаклига таъсир ўтказиш уларни самарадорлигига таъсир этувчи муҳим инструментлардан бири ҳисобланади. Ижтимоий аҳамиятга эга ҳамда хусусий сектор учун даромадли бўлмаган лойиҳаларни молиялаштириш учун ҳукуматлар давлат банкларидан фойдаланишга ҳаракат қилишади. Давлат банклари стратегик ҳамда ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни молиялаштиришда муҳим роль ўйнайди деган фикр шаклланган бўлсада, уларнинг фаолияти ўта самарасиз бўлганлиги учун ижтимоий мақсадлар четда қолиб сиёсий манфаатлар асосий ўринга чиқиб қолади (Boycko & Shleifer, 1995; Boycko, Shleifer, & Vishny, 1995; Cornett, Guo, Khaksari, & Tehranian, 2010; Dewenter & Malatesta, 2001). Масалан, Dinc (2005) сайлов йилларида давлат банклари бошқа банкларга қараганда кўпроқ кредит ажратишини кўрсатиб берган. Шунингдек, банк тизимидаги коррупция ва давлат аралашувининг ошиши бошқа турдаги мулкчилик шаклига эга банклар билан давлат банклари самарадорлиги орасидаги фарқларни йириклашишига олиб келади (Burki & Ahmad, 2010; Caprio & Cull, 2000; Fries & Taci, 2005; Lin & Zhang, 2009). Дунё тажрибасини кузатадиган бўлсак, бундай салбий оқибатларни олдини олиш ва банк тизимини соғломлаштириш негизида давлатнинг молия бозоридаги роли ҳамда улушини камайтириш ётади.

АҚШ ва Канада банкларининг харажатлар бўйича самарадорлик кўрсаткичлари параметрик ва нопараметрик усулда амалга оширилган тадқиқотга кўра ушбу икки усулда амалга оширилган самарадорлик кўрсаткичларининг корреляцияси паст даражада. Шунингдек, параметрик усулда баҳоланган самарадорлик кўрсаткичлари нопараметрик усулда баҳоланган самарадорлик кўрсаткичларидан юқорироқ даражада эканлигини қайд этилган. Булардан ташқари, параметрик усулдаги самарадорлик кўрсаткичлари вақт ўтиши билан барқарор ўртача самарадорлик кўрсаткичига эга бўлиб, дисперциянинг пасайиб бориши кузатилган. Нопараметрик усулда ҳисобланган самарадорлик кўрсаткичлари эса, бунга тесқари равишда, вақт ўтиши билан ўсиб боровчи ўртача ва дисперцияга эга (Liu, 2018).

Греция тижорат банкларининг харажатлар ва даромадлар бўйича самарадорлигини параметрик ва нопараметрик усуллардаги Delis, Koutsomanoli-Fillipaki, Staikouras, & Katerina (2009) томонидан амалга оширилган таҳлилга кўра, харажатлар ва даромадлар бўйича самарадорлик бир-бирига яқин натижага эга. Аммо, параметрик ва нопараметрик усуллардаги самарадорлик кўрсаткичлари бир-биридан фарқ қилади. Масалан, таҳлил даврида харажатлар бўйича ўртача самарасизлик параметрик усулда 19.5% бўлган бўлса, нопараметрик усулда эса 36.1% га тенг бўлган. Шунингдек, параметрик усулда баҳоланган самарадорлик кўрсаткичларининг дисперцияси ҳам таҳлил даврида нопараметрик усулдаги самарадорлик кўрсаткичи дисперциясидан юқори бўлган.

Хитой тижорат банкларининг харажатлар бўйича самарадорлик таҳлили Dong, Hamilton, & Tippet (2014) томонидан амалга оширилган. Таҳлил натижаларига кўра, параметрик усулда ҳисобланган ўртача самарадорлик кўрсаткичи (91.14%) нопараметрик усулда баҳоланган ўртача самарадорлик кўрсаткичидан (86.83%) юқори даражада бўлган. Шунингдек, икки усулда ҳисобланган самарадорлик кўрсаткичларининг тақсимотга доир бошқа кўрсаткичларида, яъни дисперция, ассимметрия ва эксцесс кўрсаткичларида ҳам катта фарқ мавжуд. Бундан ташқари, икки методдаги банкларнинг самарадорлик рейтинги ўртача ижобий корреляцияга эга бўлиб, самарадорлик кўрсаткичларининг Спирмен корреляцияси 0.48 % га яқиндир.

Туркияда амалга оширилган молиявий либерализациянинг Туркия тижорат банклари технологик самарадорлигига таъсири Zaim (1995) томонидан нопараметрик усулдан фойдаланилган ҳолда таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларига кўра молиявий либерализация туфайли банкларнинг технологик самарадорлиги ўртача олганда 10% га ошган.

2.3. Ўзбекистон банклари самарадорлиги бўйича илмий ишлар шарҳи

Давлат улуши мамлакатимиз банк секториди ортаётгани бот-бот расмий ва норасмий шаклда айтилаётган бўлсада, банкларнинг мулкчилик шаклига кўра қанчалик самарали фаолият юритаётгани миқдорий жиҳатдан олимларимиз томонидан кам ўрганилган. Ҳозирги кунгача чоп этилган иккита илмий мақолада (Nigmatov, 2010; Убаева, 2017) мамлакатимиз банклари самарадорлиги миқдорий таҳлил қилинган. Nigmatov (2010) ва Убаева (2017) томонидан амалга оширилган таҳлилда банклар самарадорлигини баҳолашда МҚТ методидан фойдаланилган.

Nigmatov (2010) томонидан таҳлилда 2004–2006 йиллар қамраб олинган ва унинг натижаларига кўра самарадорлик кўрсаткичи ўртача олганда барча банкларда ушбу даврда пасайган. Шунингдек, турли мулкчилик шаклига эга банкларнинг самарадорлик кўрсаткичида сезиларли фарқ эмпирик жиҳатдан исботланмаган. Аммо банкларнинг ҳажмига кўра самарадорликда фарқлар мавжудлигини айтиб ўтган. DEA модели маълум бир функционал кўринишни талаб қилмасда унинг камчилиги статистик хатоликни самарадорлик таркибига киритиши ҳисобланади.

Ушбу моделга рақобатчи модел SFA (Stochastic Frontier Analysis – стохастик чегара таҳлили) модели бўлиб, у статистик хатоликни самарадорлик таркибига киритмайди аммо функционал кўринишни талаб қилади. Олдинги илмий ишларимизда амалга оширилган таҳлил 18 йилни қамраб олган ва SFA (Stochastic Frontier Analysis – стохастик чегара таҳлили) моделидан фойдаланилган (Ханнаев, 2019). Эмпирик натижаларига кўра банклар самарадорлиги мулкчилик шаклига кўра фарқланган ва давлат банклар таҳлил даврида харажатлар бўйича энг самарасиз фаолият юритган.

3. Тадқиқот методологияси.

3.1. Эмпирик модел

Самарадорликни баҳолашнинг нопараметрик методи ҳисобланувчи маълумотларни қобиқ таҳлили (МҚТ) энг яхши амалиётга эга ёки самарадорлик чегарасида жойлашган банкларни аниқлашда чизикли дастурлаш усулидан фойдаланади. Маълум бир j банкнинг i даврдаги самарадорлигини топишнинг ўзгармас кўлам қайтими асосидаги харажатларни минималлаштириш МҚТ модели қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\text{Минималлаштириш } \sum_m w_{mit} x_{mit}$$

$$\text{Чекловлар } x_{mit} \geq \sum_j x_{mjt} \lambda_j, \forall m$$

$$y_{mit} \geq \sum_j y_{mjt} \lambda_j, \forall m$$

$$\sum_j \lambda_j = 1$$

$$\lambda \geq 0$$

Бунда, $j = 1, 2, 3, \dots, n$ банкларнинг сони бўлиб, улар s турдаги банк маҳсулотлари $y_i = (y_{i1}, \dots, y_{is})$ векторини ишлаб чиқариш учун m сонли ишлаб чиқариш омиллари $x_i = (x_{i1}, \dots, x_{im})$ векторини $w_i = (w_{i1}, \dots, w_{im})$ нархларида сотиб олади. λ эса банк маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш омилларининг вазнларини билдиради.

Ушбу моделнинг ечими оптимал миқдордаги ишлаб чиқариш омиллари вектори $x_j^* = (x_{j1}^*, \dots, x_{jm}^*)$ бўлиб, бундай миқдордаги ишлаб чиқариш омиллари j банк харажатларини w омиллар нархида минималлаштиришини англатади. Маълум бир j банкнинг харажатлар бўйича самарадорлиги (CE_{it}) оптимал харажатни ҳақиқий харажатга нисбати сифатида ҳисобланади.

$$CE_{it} = \frac{C_{it}^*}{C_{it}} = \frac{\sum_m w_{mit} x_{mit}^*}{\sum_m w_{mit} x_{mit}}$$

Юқоридаги оптималлаштириш моделининг асосий камчилиги сифатида ўзгармас кўлам қайтими фарзини келтириш мумкин. Самарадорликни ҳисоблашда ушбу камчиликни бартараф этиш учун оптималлаштириш моделини Banker, Charnes, & Cooper (1984) томонидан фанга киритилган ва одатда ВСС деб юритилувчи ўзгарувчан кўлам қайтими асосидаги оптималлаштириш моделига ўзгартириб ҳам таҳлил амалга оширилди.

3.2. Статистик маълумотлар манбаси ва тасвирий статистикаси

Кузатувлар Ўзбекистон банк бозорида 1999 – 2018 йилларда фаолият юритган банкларнинг балансланмаган статистик маълумотлари асосида тузилди. Қуйидаги жадвалда ўзгарувчиларнинг тасвирий статистикаси келтирилган.

1–Жадвал.

Ўзгарувчилар тасвирий статистикаси

Ўзгарувчи	Кузатувлар	Ўртача	Стд.Чет.	Минимум	Максимум
$\ln(TC_{it})$	539	388976,47	7560627,54	6,02	175566979,07
$\ln y_{1it}$	539	588345,25	1791129,42	0,00	20974927,87
$\ln y_{2it}$	539	280756,84	589185,50	-108,57	7164826,62
$\ln y_{3it}$	539	39053,86	297169,95	0,08	6821259,26
$\ln x_{1it}$	539	791718,68	2117564,83	72,03	23371018,24
$\ln x_{2it}$	539	29039,77	67918,71	1,18	708175,49
$\ln x_{3it}$	539	16361,18	28214,72	1,90	196007,25
$\ln w_{1it}$	539	0,11	1,12	0,00	18,63
$\ln w_{2it}$	539	1,51	7,17	0,06	130,14
$\ln w_{3it}$	539	0,03	0,02	0,00	0,22

Статистик маълумотлар «Банк ахборотномаси» газетасида тижорат банклари томонидан эълон қилинадиган молиявий ҳисоботлар асосида муаллиф томонидан тузилди. Барча молиявий кўрсаткичлар миллий валюта сўмда келтирилган ва минг бирликда ифодаланган. Шунингдек, реал нархлар ҳақиқий ҳолатни тўғрироқ ифодалангани учун барча ўзгарувчилар 2008 йил нархларига нисбатан реал ҳолатга келтирилган.

3.3. Ўзгарувчилар таърифи


Банк маҳсулотлари ва хизматлари ҳамда ишлаб чиқариш омиллари сифатида қуйидаги ўзгарувчилар олинди. Банк маҳсулотлари ва хизматлари сифатида хизматлар эса мижозларга ажратилган умумий кредитларнинг реал ҳажми (y_1), бошқа даромад келтирувчи активларнинг реал ҳажми (y_2) ва фоизсиз даромадларнинг реал ҳажмидан (y_3) таркиб топган. Ишлаб чиқариш омиллари сифатида умумий мажбуриятларининг реал ҳажми (x_1), асосий воситаларнинг реал ҳажми (x_2) ва ишчи кучи харажатларининг реал ҳажми (x_3) олинган. Харажатлар нархи ҳам уч хил турга ажратилган: жалб қилинган маблағлар нархи (w_1) – жами фоизли харажатларнинг жами мажбуриятларга нисбати, асосий фондлар нархи (w_2) – бошқа операция харажатларнинг жами асосий воситаларга нисбати, ишчи кучи нархи (w_3) – прокси сифатида ишчи кучи харажатларининг активларга нисбати олинди.

4. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Юқоридаги МҚТ модели асосида тижорат банклари самарадорлиги ўзгармас кўлам қайтими асосида баҳоланди.

4.1. Умумий банк тизими самарадорлиги таҳлили

Қуйидаги чизмада ўзгармас кўлам қайтими асосидаги оптималлаш-тириш модели ёрдамида баҳоланган самарадорлик коэффициенти йиллар кесимида келтирилган бўлиб, қизил рангда ҳар бир даврдаги ўртачаси берилган.




1-расм. Банкларнинг харажатлар бўйича самардорлик коэффициенти.

Таҳлил даври бошида банкларнинг харажатлар бўйича ўртача самардорлиги 18% атрофида бўлган бўлса, таҳлил даври охирида эса ўртача самардорлик 48% атрофида бўлган. Ушбу натижадан келиб чиққан ҳолда ўртача самардорликнинг йиллик ўртача ўсиши 5% атрофида бўлганлигини кўриш мумкин. Бундан хулоса қилиш мумкинки, самардорлик кўрсаткичи йиллар кесимида ошиб бормоқда. Шунингдек, чизмадан банкларнинг йиллар кесимида ўртача самардорликдан йироқлашиши бир хил тақсимланган.

4.2. Мулкчилик шаклига кўра самардорлик кўрсаткичидаги фарқлар

Кўйидаги чизмада банкларнинг самардорлик кўрсаткичларини мулкчилик шаклига кўра таҳлили келтирилган. Ўзгармас кўлам қайтими асосидаги ушбу модел натижаларига кўра Халқ банки энг паст даражадаги ўртача самардорлик кўрсаткичига эга бўлган. Таҳлил даврида Халқ банкининг самардорлиги йиллик ўртача 10,5% га ўсган бўлса, Миллий банкнинг йиллик самардорлиги ўртача 5%га ўсган. Асака банкнинг йиллик самардорлиги эса ўртача 7,5% га ўсган. 1999-2005 йиллар оралиғида Халқ банки самардорлиги билан бошқа давлат банклари самардорлиги орасида йирик фарқ мавжуд бўлган. Ушбу фарқ 2006-2013 йилларда сезиларли даражада камайган бўлсада, кейинчалик орадаги фарқ яна кенгайиб борган.

Акциядорлик тижорат банклари самардорлиги таҳлил даврининг бошида бир-бирдан йирик фарқланган бўлса, 2002-2012 йилларда эса банкларнинг самардорлик кўрсаткичлари бир-бирдан катта фарқ қилмаган, яъни улар орасидаги дисперсия кичиклашган. Кейинги йилларда банкларнинг самардорлиги ўртасидаги фарқлар яна кенгайган. 2013 йилдан кейин кўплаб акциядорлик тижорат банклари ўртача самардорлик кўрсаткичидан юқори даражадаги самардорликка эга бўлган.



2-расм. Мулкчилик шаклига кўра самарадорлик коэффициенти.

Хусусий банкларнинг ўзгармас кўлам қайтими асосидаги МҚТ усулида баҳоланган самарадорлик натижаларига кўра таҳлил даврининг бошида кўплаб хусусий банклар ўртача самарадорлик кўрсаткичидан юқори даражадаги самарадорлик кўрсаткичига эга бўлган бўлса, 2010 йилдан кейин ўртачадан юқори самарадорликка эга хусусий банклар сони камая бошлаган. Таҳлил даврида энг кичик самарадорлик кўрсаткичига эга бўлган хусусий банк – Истикбол банк бўлиб, унинг таҳлил даври бошидаги самарадорлик кўрсаткичи 0,5% га тенг бўлган. Бутун таҳлил даврида фаолият юритган хусусий банк Туркистон банк бўлиб, унинг самарадорлик кўрсаткичи 4,5% дан 43,1% гача ошган ва ўртача йиллик 12% дан ўсган. Ушбу усулда баҳоланган самарадорлик натижаларига кўра таҳлил даври охирига келиб аксарият хусусий банклар ўртача самарадорликдан паст даражада фаолият юритган.

Хорижий банклар самарадорлиги таҳлиliga назар ташлайдиган бўлсак, бутун таҳлил даврида фаолият юритган УТ банкнинг харажатлар бўйича самарадорлик кўрсаткичи йиллик ўртача 14% га ўсган. Аммо, таҳлил даврининг илк йилларида банкнинг самарадорлик кўрсаткичи жуда паст даражада бўлган. Эрон Содерот банк ҳам бутун таҳлил даврида фаолият юритган бўлиб, унинг самарадорлиги йиллик ўртача 6% дан ўсган.

4.3. Самарадорликнинг йиллар кесимида таҳлили

Қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, банкларнинг харажатлар бўйича самарадорлик кўрсаткичи йиллар кесимида ўсиб борган. Ўзгармас кўлам қайтими асосидаги МҚТ усулида умумий банк тизимидаги самарадорлик кўрсаткичи йиллик ўртача 5% ўсган бўлса, давлат банкларида 2,4% га, акциядорлик тижорат банкларида 4,7% га, хорижий тижорат банкларида 6,6% га ва хусусий тижорат банкларида эса 6,3% га ўсган. Шунингдек, таҳлил даврининг бошида давлат улуши юқори бўлган банклар бошқа мулкчилик шаклига эга банкларга қараганда ўртача олганда юқори даражадаги самарадорликка эга бўлган. Бироқ, 2003 йилдан бошлаб давлат улуши юқори бўлган банкларнинг самарадорлиги бошқа банкларга нисбатан пастлаша бошлаган. Натижанинг қизиқарли томони шундаки, ушбу моделга кўра хусусий банклар таҳлил даврида ўртача олганда энг самарасиз банклар бўлган. Хорижий банклар эса вақт ўтиши билан ўртача олганда бошқа банкларга нисбатан самарали бўла бошлаган.

Самарадорликнинг йиллар кесимида тасвирий статистикаси

Йиллар	Барча банклар	Давлат	Акциядорлик	Хорижий	Хусусий
1999	17,6%	29,5%	19,7%	14,9%	12,7%
2000	22,7%	29,9%	21,9%	13,6%	27,7%
2001	23,9%	29,2%	21,7%	29,1%	21,8%
2002	24,4%	32,3%	19,3%	23,7%	28,1%
2003	27,7%	22,8%	24,7%	44,0%	23,6%
2004	25,4%	26,5%	29,7%	26,9%	17,9%
2005	24,9%	28,6%	22,9%	28,7%	23,1%
2006	25,4%	29,1%	23,8%	21,0%	28,1%
2007	26,9%	30,4%	22,6%	29,6%	28,6%
2008	26,8%	29,6%	28,7%	29,4%	22,3%
2009	27,7%	33,4%	29,9%	32,6%	22,0%
2010	24,6%	31,5%	28,3%	23,5%	20,5%
2011	29,7%	50,7%	33,4%	26,4%	22,7%
2012	24,7%	29,5%	29,3%	22,1%	20,5%
2013	31,5%	33,8%	35,4%	40,0%	20,4%
2014	31,8%	33,3%	36,8%	33,2%	24,2%
2015	32,8%	37,9%	38,1%	30,5%	25,7%
2016	35,9%	41,4%	40,1%	34,2%	29,5%
2017	43,1%	55,0%	42,5%	56,2%	32,6%
2018	47,9%	47,5%	49,8%	53,4%	43,0%

Давлат билвосита эгалик қилувчи акциядорлик тижорат банкларига назар ташлайдиган бўлсак, буларнинг самарадорлиги таҳлиliga кўра умумий таҳлил даврида ушбу банклар ўртача олганда самарадорлик бўйича иккинчи ўринни эгаллаб келган. Таҳлилларга кўра, 1999 йилда ўртача олганда самарасиз банклар бутун таҳлил даврида энг самарали фаолият юритган банклардан 82% самарасиз фаолият юритган бўлса, вақт ўтиши билан ушбу самарасизлик камайиб борган. 2018 йилга келиб умумий банк тизимининг энг самарали банкка нисбатан самарасизлиги 52% га тенг бўлган.

Айрим банклар самарадорлиги бирдан 100% га чиқиб кетиш ҳоллари ушбу методда кўп кузатилди. Бунинг сабабларидан бир, МҚТ усули четки кузатувларга жуда таъсирчан ҳамда уларни коррекция қила олмайди. Бундан ташқари, давлат бевосита ва билвосита эгалик қилувчи банкларнинг юқори даражадаги самарадорлиги уларнинг ҳажми туфайли бўлиши мумкин. Бироқ, ушбу усул банклар самарадорлигини ҳисоблашда банкларнинг ҳажми ва таҳлил қилинаётган тўпламдаги четки кузатувларни ҳисобга олмайди.

5. Хулоса ва таклифлар.

Тадқиқот натижаларига кўра банкларнинг мулкчилик шаклига кўра сезиларли даражадаги самарадорлик фарқлари мавжудлиги эмпирик фактлар билан исботланди. Бевосита давлат улуши юқори бўлган банклар ўзгарувчан кўлам қайтими асосидаги МҚТ методида харажатлар бўйича юқори даражадаги самарадорлик кўрсаткичига эга бўлган. Ўртача олганда 2018 йилда давлат банклари харажатлар бўйича самарадорлигини 16 % га ошириш имконига эга бўлишган. Давлат билвосита улушга эга бўлган банкларнинг харажатлар бўйича самарадорлиги давлат банкларига қараганда пастроқ бўлган. 2018 йилдаги ушбу банклар харажатлар бўйича самарадорлигини ўртача 30% гача ошириши мумкин бўлган. Давлат билвосита эгалик қилувчи банклар қайта ташкил этилиши ёки бирлаштирилиши ушбу банклар самарадорлигини кескин ўзгартирмаганини кўришимиз мумкин. Хусусий банкларда харажатлар бўйича самарадорликда юқори вариация мавжуд бўлиб, бу ўз навбатида барча хусусий банклар бирдек самарадорлиги паст даражада эканлигини билдирмайди.

Шунингдек, банк харажатлари бўйича 2018 йилда энг юқори самарадорликка эга банкка нисбатан хусусий банклар ўртача олганда 50% самарали фаолият олиб боришган. Хорижий банклар ҳам харажатлар бўйича самарадорлигини давлат билвосита улушга эга бўлган банклар даражасида бошқаришган. Аммо, хорижий банклар самарадорлиги таҳлил даврида тез суръатларда ўсиб борган.

Адабиётлар:

Banker, R. D., Charnes, A., & Cooper, W. W. (1984). *Some models for estimating technical and scale inefficiencies in data envelopment analysis*. *Management Science*, 30(9), 1078–1092.

Boycko, M., & Shleifer, A. (1995). *Next steps in privatization: Six major challenges*. In *Library of Congress Cataloging– in– Publication Data, Washington, DC* (p. 87).

Boycko, M., Shleifer, A., & Vishny, R. (1995). *Mass privatization in Russia. Mass Privatisation, an Initial Assessment, OECD, Paris*, 153–190.

Burki, A. A., & Ahmad, S. (2010). *Bank governance changes in Pakistan: Is there a performance effect?* *Journal of Economics and Business*, 62(2), 129–146.

Caprio, G., & Cull, R. (2000). *Bank privatization and regulation in Egypt*. *Egyptian Center for Economic Studies*.

Charnes, A., Cooper, W. W., & Rhodes, E. (1978). *Measuring the efficiency of decision making units*. *European Journal of Operational Research*, 2(6), 429–444.

Cornett, M. M., Guo, L., Khaksari, S., & Tehranian, H. (2010). *The impact of state ownership on performance differences in privately-owned versus state-owned banks: An international comparison*. *Journal of Financial Intermediation*, 19(1), 74–94.

Delis, M. D., Koutsomanoli-Fillipaki, A., Staikouras, C. K., & Katerina, G. (2009). *Evaluating cost and profit efficiency: a comparison of parametric and nonparametric methodologies*. *Applied Financial Economics*, 19(3), 191–202. <https://doi.org/10.1080/09603100801935370>

Dewenter, K. L., & Malatesta, P. H. (2001). *State-owned and privately owned firms: An empirical analysis of profitability, leverage, and labor intensity*. *American Economic Review*, 91(1), 320–334.

Ding, I. S. (2005). *Politicians and banks: Political influences on government-owned banks in emerging markets*. *Journal of Financial Economics*, 77(2), 453–479.

Dong, Y., Hamilton, R., & Tippett, M. (2014). *Cost efficiency of the Chinese banking sector: A comparison of stochastic frontier analysis and data envelopment analysis*. *Economic Modelling*, 36, 298–308.

Farrell, M. J. (1957). *The measurement of productive efficiency*. *Journal of the Royal Statistical Society: Series A (General)*, 120(3), 253–281.

Fries, S., & Taci, A. (2005). *Cost efficiency of banks in transition: Evidence from 289 banks in 15 post-communist countries*. *Journal of Banking & Finance*, 29(1), 55–81. <https://doi.org/10.1016/j.jbankfin.2004.06.016>

Lin, X., & Zhang, Y. (2009). *Bank ownership reform and bank performance in China*. *Journal of Banking & Finance*, 33(1), 20–29.

Liu, R. (2018). *Comparison of Bank Efficiencies Between the US and Canada: Evidence Based on SFA and DEA*. Available at SSRN 3317196.

Nigmonov, A. (2010). *Bank performance and efficiency in Uzbekistan*. *Eurasian Journal of Business and Economics*, 3(5), 1–25.

Zaim, O. (1995). *The effect of financial liberalization on the efficiency of Turkish commercial banks*. *Applied Financial Economics*, 5(4), 257–264.

Убаева, Ш. (2017). Тижорат банкларининг самарадорлигини ошириш ва барқарор ривожланишини таъминлаш стратегияси. *Бизнес-Эксперт Журнали*, 11(119). Retrieved from <http://www.biznes-daily.uz/ru/birjaexpert/53026-tijorat-banklarining-samaradorligini-oshirish-va-barqaror-rivojlanishini-tainlash-strategiyasi>

Ханнаев, Ш. (2019). Турли мулкчилик шаклидаги банклар фаолияти самарадорлиги таҳлили. *Иқтисодийот ва инновацион технологиялар*, 1(39), 1–15. Retrieved from http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/22_Khannayev.pdf